

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2007-yil • 20-yanvar • Shanba • 9 (27.654) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

Мухтарам ватандошлар! Азиз дўстлар! Ўзбекистон — бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли мамлакатдир.

Қадимий дёғиримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён ашаб келгани, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз учун бебаҳо бўлган гоят катта бойлиқдир. Бир томондан халқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш учун, бошқа томондан — тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган

миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятларнинг нечоғли юксак аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир қарашда оддий туюладиган, ammo гоёт теран ва муҳим бўлган бундай тушунча ва ҳақиқатлар тўғрисида гапирар эканмиз, Сиз, миллий маданият марказлари раҳбарлари ва фаолларининг халқимиз фаровонлиги, осмонимиз мусофоллиги, фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги йўлида қилаёт-

ган том маънодаги олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак азийди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин, Республика Байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги гоё ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди.

Сизларни Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги билан чин юракдан табриклашга ва барчангизга самимий миннатдорлик туйғуларини изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун гоёт муҳим бўлган фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислоҳ **КАРИМОВ**,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

### Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик гоёларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

#### «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA XIZMAT KURSATGAN MADANIYAT XODIMI»

**Волков Петр Петрович** — Андижон вилояти Рус миллий-маданий маркази раиси, «Андижанская правда» газетаси муҳаррири  
**Эрметова Шарофат Джураваевна** — Тошкент шаҳар «Ориёна» тожик миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Дўстлик» гуруҳининг катта муҳаррири

**Джанибеков Абдусалом** — Сирдарё вилояти Қирғиз миллий-маданий маркази раиси, Вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг кафедра мудири

**Ихсанов Равил Ядгарович** — Қашқадарё вилояти Татар-бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Новости Кашкадарьи» газетасининг махсус муҳбири  
**Курбанов Оразмырат Режепович** — Республика Туркман миллий-маданий маркази раиси, «Хунарманд ва КОР» очик акциядорлик жамияти директори

**Михайлов Виктор Владимирович** — Республика Яхуди миллий-маданий маркази раиси, «Санавита» масъулияти чекланган жамияти ходими

**Новицкий Зиновий Богданович** — Республика «Славутин» Украин миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Урмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири

#### «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Гайибов Аскар Раджабович** — Сурхондарё вилояти Тожик миллий-маданий маркази раиси, Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси

**Давлетова Саида Салиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ахборот» дирекцияси журналист-муҳбири

**Ни Лариса Петровна** — Наманган вилояти Корейс миллий-маданий маркази раиси, «Ника» хусусий фирмаси раҳбари  
**Хасанов Ильшад Хасанович** — Тошкент шаҳар Бошқирд миллий-маданий маркази раиси, «Сувайойиха» очик ҳиссасдорлик жамияти етакчи муҳандиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 январь

#### ЎзХДП ҳаёти

### ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП туман ва шаҳар кенгашлари пленумлари бўлиб ўтаётди. Ҳозирга қадар Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларининг барча туман ва шаҳар кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикасида Амударё, Беруний, Тахиятош, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Қўнғирот, Тошкент вилоятида Бекобод, Оҳангарон, Пискент, Чирчик, Жиззах вилоятида Мирзачўл, Фаллаорол, Пахтакор ва бошқа туман, шаҳар партия кенгашлари пленумлари ўтказилди. Қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам Ўзбекистон ХДП туман ва шаҳар кенгашлари пленумларини январь ойи давомида ўтказиш режалаштирилган.

Бўлиб ўтган пленумларда асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилиши муносабати билан партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Пленумлар иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг мазкур қонунчилик ташаббусини юқори баҳолаб, улар қонун кучига эга бўлганидан кейин мамлакатимиз сиёсий ҳаёти-

да катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар.

Сиёсий партиялар ролининг кучайиши, ўз навбатида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширади. Партия ташкилотларининг вазифаси, дейилди пленумларда, бундан ҳар бир партия аъзоси ва ХДП электорати вакилларига тушултириш, партия ташкилотларини вужудга келаятган янги ҳуқуқий майдонда фаолият юритишга тайёрлашдир.

Пленумларда Қорақалпоғистон республика ва вилоят партия кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашмоқдалар. Олот ва Қорақўл туман партия кенгашлари пленумларида Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Ш. Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## ЎЗБЕКISTON — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўرғазмалар залида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуда бадиий кўрғазма очилди. У Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази томонидан Бадиий академия ва Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Таъбирнинг очилишида юртимиздаги миллий маданият марказлари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.



Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат

Суратда: кўрғазмадан лавха.

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, заминимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлиқни янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари миллий-маданий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида иштирок этиши учун етарлича шарт-шароит яратилган. Юрбошимиз ташаббуси билан 1992 йили Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу марказ Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган бир юз эллика яқин миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда.

Мазкур кўрғазмада турли

миллат вакиллари раҳнамолигида, ҳайкалтарошлик, графика, амалий санъат, либослар дизайни каби йўналишлардаги ижод намуналарига кенг ўрин берилган. Улар орасида М.Кагаровнинг «Инсон ва қушлар», Ф.Гамбаровнинг «Лаҳзалар», Т.Чубнинг «Қувонч» каби асарлари санъат ихлосмандларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан кўрғазмага қўйилган етмишдан ортиқ фотосуратда Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда миллий маданият марказлари фаолияти ўз аксини топган.

Кўрғазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.


**Н.УСМОНОВА**,  
ЎЗА муҳбири

## ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР



Ўтган йилнинг 28 ноябрь — 15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этишди.

Кеча Тошкентда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



O'zbekiston  
havo yo'llari



Хизматлар аниқлаш

ЎзХДП ҳаёти

«ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ»

дейди партиядошимиз, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори, техника фанлари доктори Шамшидинхўжа САЙДАҲМЕДОВ



ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Фармойишига биноан Осиё ўйинлари чемпионлари 5000, кумуш медаль соҳиблари 3000 ва учинчи ўринни эгаллаган спортчилар 2000 АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти билан тақдирланди.

Ташкентда XV ёғи Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилган алоҳида таъкидланди.

Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш мақсадида ҳар йили барча қўлайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий талабларга мос даражада жиҳозланаётган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатни дунёга таништиришда спортнинг аҳамияти беқийс эканини алоҳида таъкидлаган.

ХV ёғи Осиё ўйинларида Гузал Ҳуббиева, Баҳодир Султонов, Элиод Расулов, Рус-там Саидов, Вадим Меньков, Софья Каспалатова, Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниева, Дилшод Мансуров ҳамда Артур Таймазов шоҳсаннинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Айтиш жоизки, Доҳадаги ўйинларда спортчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор яққол намоён этдилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан бошқа спортчилар — дзюдочи Абдулла Тангриев, боксчи Рустам Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, бундай гамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини сарбаланд этишларини алоҳида таъкидладилар.

2007 йил ҳам спортчилар учун анча масъулиятли давр бўлади, — деди А.Таймазов.

Эр йигит йилгамайди, — деди Дилшод Мансуров. — Лекин, мусобақаларда эришган галабам шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янраганида, ҳар гал кўларим беҳиткёв ёшга ўлади. Бу қувонч ва фخر ўшларидир. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг биз, спортчиларга қаратаётган бугунгидек улкан эътибори Пекин Олимпиадасида ҳам галабаларимиз кўп бўлишига замин яратди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан бошқа спортчилар — дзюдочи Абдулла Тангриев, боксчи Рустам Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган эътибори учун самимий миннатдорлик билдириб, бундай гамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини сарбаланд этишларини алоҳида таъкидладилар.

ХV ёғи Осиё ўйинларида Гузал Ҳуббиева, Баҳодир Султонов, Элиод Расулов, Рус-

там Саидов, Вадим Меньков, Софья Каспалатова, Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниева, Дилшод Мансуров ҳамда Артур Таймазов шоҳсаннинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Айтиш жоизки, Доҳадаги ўйинларда спортчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор яққол намоён этдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

ХАЛҚАРО ЭКОФОРУМ:

МИНГ ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ — ҲАЁТГА

Пойтахтнинг «Марказий» меҳмонхонасида «Кишлоқ хўжалиги тадқиқотлари Минг йиллик ривожланиш мақсадларига йўналтириш» халқаро ва минтақавий тахрибамавзуда экофорум бўлиб ўтди.

Унда Италия, Таиланд, Эрон давлатларидан халқаро экспертлар, Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатларининг илмий марказлари раҳбарлари, шунингдек, республикамиз илмий-тадқиқот институтлари, фермер хўжаликлари, агробизнес соҳаси ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Экофорум «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, республика Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ИКАРДА — Қўроқчилик ҳўкми сураётган минтақаларда кишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро Маркази ҳамда Марказий Осиё ва Кавказorti илмий-тадқиқот институтлари Ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

Маълумки, 2000 йилнинг сентябрида (Нью-Йорк) Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 189 та давлат етакчилари иштирокида бўлиб ўтган Саммитда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) белгиланган «Минг йиллик Декларацияси» қабул қилинганди.

Узбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам туб ўзгаршлар рўй берди. Илгари хориждин келтирилган маҳсулотларнинг асосий қисмини эндиликда республиканинг ўзида ишлаб чиқаришга киришилди.

Узбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам туб ўзгаршлар рўй берди. Илгари хориждин келтирилган маҳсулотларнинг асосий қисмини эндиликда республиканинг ўзида ишлаб чиқаришга киришилди.

Экофорум иштирокчилари таъкидлаганларидек, Марказий Осиё ва Кавказorti минтақаси мамлакатлари эгаллаган 416 миллион гектар майдондан 79 фоизи кишлоқ хўжалиги учун яроқлидир.

Экофорум иштирокчилари таъкидлаганларидек, Марказий Осиё ва Кавказorti минтақаси мамлакатлари эгаллаган 416 миллион гектар майдондан 79 фоизи кишлоқ хўжалиги учун яроқлидир.

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Киши тинимсиз меҳнат қилса, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлса ва албатта, атрофдагиларга қайишса, эл-юртда обрў-эътибор қозонади.

— дейди ЎзХДП Қоровулбозор туман кенгаши раиси Ибодулло Нурманов. — У барча юмушларни бажаришга вақт топади.

— Биргина бу эмас, — дейди завод бошланғич партия ташкилоти раиси Нодир Уринов. — Зиёратгоҳларнинг янада фойзли бўлишини таъминлаш, етим-есирларнинг бошини силаш, яққа-ёлғизлар ҳолидан тез-тез хабар олишни ҳам қанда қилганимиз йўқ.

— Биласизми, — дейди Шамшидинхўжа Сайдахмедов, — отам раҳматли ҳар доим кўпни ўйла, яхшиларга ёндош, элга қайиш, ўрган, излан шунда мартаба ҳам, ризқ ҳам зиёда бўлади, дея қўлоғимизга қуярдилар.

Унинг сайловолди дастуридан ўрин олган бир қатор масалалар бугун ҳаётда ўз аксини топапти.

Ҳа, кейинги йилларда саҳронинг қўқ ўртасида қад ростлаган турар-жойлар, маданий-маиший бинолар элдари билан яшашнинг мақсулидир.

Ҳа, кейинги йилларда саҳронинг қўқ ўртасида қад ростлаган турар-жойлар, маданий-маиший бинолар элдари билан яшашнинг мақсулидир.

Ҳа, халқ дарди билан яшайдиганлар ўзларини эл олдида ҳамisha қардор ҳис этаверадилар...

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ...

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

пленумлари қарорларини амалга оширишда Нукус шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари, ХДП фаоли Шинаргул Пахратдинова. — Биз сўзимиз ва ишшимиз бирлиги билан одамлар ишончини қозонишга дадил ҳаракат қилишимиз лозим.

пленуми бўлиб ўтди. Унда қатор масалалар билан бирга ташкилий масала ҳам кўрилди.

Ўзбекистон Қуролли Қўчаларининг 15 йиллиги муносабати билан партия-мизнинг Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар, Термиз, Сарийосиё, Музработ, Узун туманлари кенгашлари қатор ҳарбий чегара қисмлари, ҳарбий госпитал ва касб-ҳунар коллежларида аскар ва офицерлар, ўқувчи ёшлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари, хайрият тадбирларини ташкил этиш, хизматни ибратли ўтаётган Ватан ҳимоячиларига эсдалик совғалари топширилди.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги 36-сонли мактабда мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти кўмаги ва ЎзХДП ма-

ҳаллий кенгашининг ҳомийлигида «Сен Ватан хизмати» тайёрмисан? шiori остида ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди.

ЎзХДП Наманган вилоят Янгиқўрғон, Чортоқ, Наманган туман кенгашлари давлат идоралари, «Ватанпарвар» ташкилоти маҳаллий бўлинмалари, «Камолот»

Анжуман



Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



